

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГУНОВ АЗИМ ТУРГУНОВИЧ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЁШЛАР
МЕДИА МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тургунов Азим Тургунович

Ахборот-коммуникация технологияларининг ёшлар медиа маданиятига таъсири.....3

Тургунов Азим Тургунович

Влияние информационно-коммуникационных технологий на медиакультуру молодежи.....24

Turgunov Azim Turgunovich

Impact of information and communication technologies on youth media culture42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГУНОВ АЗИМ ТУРГУНОВИЧ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЁШЛАР
МЕДИА МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fal522 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муминов Алишер Гаффарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абилов Урол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Алимов Беруний Султонович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: 246-02-24 факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.С.Саифназаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

М.Г.Рузматова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.ф.д., профессор

Ж.С. Рамагов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ҳаётига кириб келиши барча соҳаларда янги билимлар тизимини шаклланишига олиб келмоқда. Ахборот таъсирида шаклланган билимларда технократик тенденциялар устунлик қилиши, инсон кундалик фаолиятида кўпроқ оммавий коммуникацияларга боғлиқ бўлиб бораётганлиги намоён бўлмоқда. Фан ва техника, ахборот-коммуникация технологияларининг инқилобий ривожига эса, мазкур жараёнлар суръатини янада тезлаштирмоқда. Глобаллашув жараёнлари, бутун халқаро муносабатлар тизимининг ўзгариши, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар ва хатарлар доирасининг муттасил кенгайиб бориши ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бирига айланмоқда. Медиа саводхонлик замонавий ёшларнинг онги ва тафаккурини шакллантиришда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда рақамли инфраструктура билан таъминланиш даражаси борасида мамлакатлар ўртасидаги фарқ ва нотенглик сақланиб қолмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг ёшлар медиа маданиятига таъсирини илмий тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ахборот маданияти бўйича малака оширишга доир муаммолар, мутахассисларнинг касбий рақамли компетенциясига оид нуфузли халқаро ташкилотларнинг шафъелигида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш жамиятнинг барқарор ривожланишига, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ислохотларни самарали амалга оширилишига таъсир этмоқда. Истиқболда ахборот-коммуникация технологияларининг ёшлар медиа маданиятини ривожлантиришдаги ўрнини, халқаро миқёсдаги аҳамиятини ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг янгиланиш ислохотлари ўз мазмун-моҳиятига кўра ахборот коммуникация технологияларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қўллаш билан изоҳланади. Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирларни ҳамда ёшларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси, уларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантиришдаги мавжуд имкониятлар такомиллаштирилмоқда. “Рақамли технологиялар кенг жорий этилган ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш Янги Ўзбекистоннинг ҳам стратегик мақсадларидан бири”¹ эканлигини воқеликка татбиқ қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ахборот технологиялари ишлаб чиқариш, таълим ва бизнеснинг устувор йўналишига айланиб, ахборот қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш шакллариининг такомиллашуви фуқаролар, айниқса ёшларнинг ахборот саводхонлигига эҳтиёжни туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ-444-сон «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан химоя қилиш

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси . – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2021. – Б. 24.

тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПҚ-4986-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4452-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интернет технологияларининг ижтимоий ҳаётга кириб бораётган ёшларга таъсири масалалари К.Дойч, Д.Истон, Г.Алмонд, Дж.Коулман, Л.Пай, У.Шрамм, Т.Адорно, Г.Маркузе, Ю.Хабермас, М.Хоркхай мер, Г.Шиллер, Кастельс, М.Маклюэн, Е.Масуда, Э.Тоффлер сингари олимлар томонидан тадқиқ этилган¹. Жумладан, К.Дойч миллий ва давлатлараро ҳамжамятларини шакллантириш учун асос сифатида ижтимоий коммуникацияни ривожлантириш, Г.Алмонд сиёсий тизим ва сиёсий маданият назарияларини яратиш, Дж.Коулман ёшлар таълим социологияси, ижтимоийлашув жараёнлари ва ўсмирлар субмаданияти муаммоларини тадқиқ этган.

Глобал ахборот маконида ахборотнинг цивилизацияларга таъсири, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари борасида Г.Лассуэл, Д.Белл, З.Бжезинский, П.Друкер, М.Кастельс, М.Порат, Й.Масуда, Т.Стоуньер, Р.Катц, Р.Робертсонлар тадқиқотлари амалий аҳамиятга эга².

¹ Deulsch K. The Nervous Systems of Government: Models of Political Communication and control. – London: Free Press of Glencoe, 1963.; Easlon D.A Framework for Political Analysis. Chicago: The University of Chicago Press, 1979; Aimond G.A., Coieman J.S Politics of the Developing Areas. Princeton: Princeton University Press, 1960; Pye L. Political Communication // The Blackwell Encyclopaedia of Political Institutions. Oxford - New York, 1987; Schramm V. Mass Media and National Development: The Role of Information in the Developing Countries. Stanford: Stanford University Press, 1964; Adomo T., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment. – New York: Continuum, 1988; Маркузе Г. Одномерный человек: Исследование идеологии развитого индустриального общества. – М.: Рефлбук, 1994; Habermas J. The Structure Transformation of the Public Sphere. – Cambridge: Polity Press, 1989; Adomo T., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment. – New York: Continuum, 1988; Шиллер Г. Манипуляторы сознанием: Пер. с англ. Предисл. Я. Засурского. – М.: Мысль, 1980; Manue/Coife/faTheriseofthenetworksociety. – London, 2010; Госшельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / Пер. с англ. под науч. ред. О.И. Шкаратана. – М.: ГУ ВШЭ, 2000; Магспюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – М.: КАНОН-Пресс-Ц, 2003; Masuda Y. The Information Society as Post-Industrial Society. Wash., 1981; Тоффлер Э. Третья волна. – М., 2002.

² Лассуэлл Г. Д. Техника пропаганды в мировой войне / пер. с англ. В. Г. Николаева. - М.: ИНИОН РАН, 2021. - 237 с.; Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / Пер.с англ.под ред. В.Л.Иноземцева. Изд. 2-е, исправл.и доп. - М.: Academia, 2004. – 790 с.; Бжезинский З. Великая шахматная

Муаллифларнинг мавзуга оид тадқиқотларида, биринчидан, глобаллашаётган дунёнинг турли зиддиятлар таъсирига тортилиши натижасида ахборотдан сиёсий мақсадларда фойдаланишга интилиш, иккинчидан, ахборотнинг сиёсий қуролидан ёшларнинг маънавий кашшоқлашувини кўзлаган таҳдидлар таҳлил этилади.

МДХ доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янги сиёсий тизимни шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатлари, сиёсий институтлар фаолиятини эркинлаштириш, улар фаолиятини номарказлаштиришда интернет тизимининг аҳамияти Г.Л.Акопов, М.С.Вершинин, Ю.В.Ирхин, А.А.Горелов, Т.А. Горелова, И.М.Ильинский, А.В.Костина, В.А.Луков, В.А.Лукова, В.М.Межуев, А.Я.Флиер, Г.П.Хориной каби олимлар томонидан очиб берилган¹.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатишнинг барча соҳаларига жорий этиш, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига ахборот хизматларини қўллаш, «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантиришнинг самарали механизмларини яратишга оид фалсафий тадқиқотлар О.Ф.Файзуллаев, М.Н.Абдуллаева, Р.М.Имомалиева, К.Ж.Туленова, З.Д.Давронов, Э.М.Иззетова, Ш.С.Кушаков, М.А.Усмонова, М.Ёкубова, Г.Ғаффорова каби олимлар томонидан амалга оширилган².

доска: [Господство Америки и его геостратег. императивы : Пер. с англ.] / Збигнев Бжезинский. - М.: Междунар. отношения, 1998. - 254 с.; Drucker P.F. Post-Capitalist Society. N.Y., 1995. - 240 p.; Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / Пер. с англ. / Под науч. ред. О.И. Шкаратана. - М.: ГУ-ВШЭ, 2000. - 608 с.; Drucker, P.F. Postcapitalist Society. N.Y.: Harper-Collins Publisher, 1995. - P.115; M.Porat, M.Rubin. The Information Economy. Department of Commerce, Office of Telecommunications, 1977. -P.356; Masuda Y. The Information Society as Post-Industrial Society. Washington, D.C.: World Future Society: 1991. - P. 171; Т. Стоуньер Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики (Новая технократическая волна на Западе. М., 1986. -С. 409); Katz R. L. The Information Society: An International Perspective. N. Y., 1988. - P.189.

¹ Акопов Г.Л. Глобальные проблемы и опасности сетевой политики: Монография. Ростов-на-Дону: ООО Росиздат, 2004. - 126 с.; Вершинин М.С. Политическая коммуникация в информационном обществе. СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001. - 253 с.; Ирхин Ю.В. Электронное правительство и общество: мировые реалии и Россия (сравнительный анализ) // СоцИс, 2006. - №1. - С. 73-82; Горелов А.А., Горелова Т.А. Глобализация и духовные причины глобального кризиса // Трансформации культуры в глобальном информационном обществе / отв. ред. А.В. Костина; ред. колл.: А.И. Шендрик и др.: сб. науч. статей. - М.: Изд. Моск. гуманит. унта, 2009. - С. 279 - 289; Ильинский И.М. Образование, Молодежь, Человек: (статьи, интервью, выступления): Кн. 2. - М.: МосГУ, 2009. - С. 530; Костина А.В. Массовая культура как феномен постиндустриального общества. Изд. 4-е. - М.: ЛКИ, 2008. - С. 350; Луков В.А. Будущие политики: Социализация студентов, ориентированных на профессиональную политическую деятельность. -М.: НИБ, 2005. - 128 с.; Луков Вл.А., Луков М.В., Луков А.В. Телевидение: формирование культуры происходящего // Культурные трансформации в информационном обществе / отв. ред. А.И. Шендрик; ред. колл.: А.В. Костина и др.: сб. науч. статей. - М.: Моск. гуманит. ун-та, 2006. - С. 194-220; Межуев В.М. Культура и государство в перспективе демократического развития России // Культура глобального информационного общества: противоречия развития / отв. ред. А.В. Костина; ред. колл.: А.И. Шендрик и др.: сб. науч. статей. - М.: Моск. гуманит. унта, 2010. - С. 35-53; Флиер А.Я. Страсти по глобализации // Трансформации культуры в глобальном информационном обществе / отв. ред. А.В. Костина; ред. колл.: А.И. Шендрик и др.: сб. науч. статей. - М.: Моск. гуманит. ун-та, 2009. - С. 62-73; Хорина Г.П. Идеология и наука в информационном обществе // Культура информационного общества и проблемы модернизации России / отв. ред. А.В. Костина; ред. колл.: А.И. Шендрик и др.: сб. науч. статей. - М.: Моск. гуманит. ун-та, 2011. - С. 121-131.

² Файзуллаев О.Ф. Ал-Хоразмий // Мустақиллик: изоҳли илмий-оммобоп луғат. 2006. -Б. 29-30; Абдуллаева М.Н., Муминова О.М. Значение информации в развитии общества / Миллий ғоя ва маънавий мерос мавзусидаги конференция. - Самарқанд, 2006. - С. 9-12; Иззетова Э.М. Информационное общество и гуманизация научного знания // Экологический вестник. - №1, 2001. - С. 2-4; Кушаков Ш.С. Природа и основные виды информации (философско-методологические аспекты): Автореф. дис. ... канд. филос. наук. - Ташкент, 1978. - С. 24; Ланцева О. Информационные аспекты развития (философско-методологический анализ): Дис. ... канд. филос. наук. -

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот билан боғлиқ ижтимоий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари Ш.Пахрутдинов, А.Юсупов, Н.Жўраев, А.Муминов, С.Отамуродов, В.Қўчқоров, Г.Туленова, Б.Тўраев, У. Убайдуллаев каби олимлар томонидан фалсафий, сиёсий, социологик, тарихийлик нуқтаи-назаридан тадқиқ этилган¹. Мутахассислар ахборот технологияларининг жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги назарий ва амалий жиҳатларининг таҳлилларида оммавий ахборот воситалари замонавий манипуляция ва таҳдидлар воситасига айланганлигини илмий жиҳатдан асослаганлар.

Жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиа таълимни бошқаришнинг турли моделларини шакллантириш, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида инновацион фаолиятни бошқаришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг барча фанлари тизимини ривожлантиришда тармоқ моделларини янги инфратузилмасини яратиш, шу билан бирга, сиёсий таълим соҳасига ИТ-технологияларини жорий этиш, давлат ва жамият бошқарувини барқарорлаштириш масалалари, шунингдек, муаммонинг миллий ва маънавий жиҳатларини Т.Жўраев, С.Акобиров, В.А.Тураев, Ш.Қаҳҳорова, Ғ.С.Маматов О.Аллаяров каби олимлар тадқиқ этганлар².

Тадқиқот мавзусига оид адабиёт ва диссертацияларнинг илмий таҳлил ва талқинлари шуни кўрсатмоқдаки, ахборот-коммуникация технологияларининг ёшлар медиа маданиятига таъсири муаммоси ижтимоий фалсафа контекстида алоҳида илмий тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Миллий, диний ва умуминсоний кадриятларнинг фалсафий таҳлили» мавзуси доирасида бажарилган.

Тошкент, 1995. – С. 125; Усмонова М. Социально-философский анализ проблемы информатизации современного общества: Дис. ... канд. филос. наук. – Тошкент, 1997. – С. 170; Ёқубова М. Жамият тараққиётида ахборотлашув ва ахборот технологиялари масалалари: Фал. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2006. – 165 б.; Ғаффарова Г. Ахборотлашган жамиятда террорчилик фаолияти ҳақида // Глобал терроризм ва унинг геосиёсий ўлчами: Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2-китоб. – Навоий, 2005. –Б. 45-47 ва бошқ.

¹ Пахрутдинов Ш. «Таҳдид» тушунчаси: назария ва амалиёт // Масъул муҳаррир Т.Жўраев. –Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1998. – 64 б., Юсупов А. Иккинчи «тўфон» //Тафаккур. -Тошкент, 2012. №4. -Б. 11-13. (09.00.00; №12). Муминов А. Г. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. –Тошкент: Turon zamin ziyo. Монография. 2013. 164 б., Жўраев Н. Агар огоҳ сен... – Тошкент: Ёзувчи, 1998. - 272 б.; Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. -Тошкент: Akademiya, 2013. -Б. 147; Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Тошкент: O'zbekiston, 2013. -Б. 363; Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий - фалсафий таҳлил) фал. фан. док... дисс.автореф. –Тошкент, 2006. -Б. 21; Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон - минтақада тинчлик ҳимоясида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - Б. 42.

² Жўраев Т., Акобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. – Тошкент: Академия, 2007. – 106 б., Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент: Академия, 2008. – 232 б., Тураев В.А. Глобальные вызовы человечеству. Уч. Пособие. – М.: Логос, 2002. – 192 с., Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Тошкент: Tafakkur, 2009. – 448 б., Маматов Ғ. С. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлиги (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Сиёс. фан. бўй. фал. док. (PhD). дис. автореф. –Тошкент, 2020. - 50 б., Аллаяров О. Ўзбекистон барқарор тараққиётини таъминлашда интернет технологияларидан самарали фойдаланиш механизмлари. Сиёс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дис.автореф. –Тошкент, 2019. - 51 б.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида ёшлар медиа маданиятига ахборот-коммуникация технологиялари таъсирининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти шароитида «ахборотлашган жамият» концептига оид «хабар», «маълумот» тушунчаларининг илмий мазмун-моҳиятини таҳлили асосида «рақамли жамият», «Электрон жамият» тушунчаларини очиб бериш;

ахборот-коммуникация жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий жиҳатлари мавжудлигини илмий асослаш;

Ўзбекистонда ёшлар медиа маданиятини шакллантириш ва бу жараёнда хорижий тажрибанинг инновацион жиҳатларидан самарали фойдаланишни очиб бериш;

рақамлаштириш жараёнлари натижасида интернетда ёшлар радикализмининг кучайиши, унга қарши курашнинг ўзига хос жиҳатларини назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ёшлар медиа маданияти ва ахборот коммуникация технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ахборот-коммуникация технологияларининг ёшлар медиа маданиятига таъсирининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, анализ ва синтез, социологик сўров каби усуллари ҳамда тарихийлик, мантиқийлик, объективлик тамойилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот-коммуникация технологияларининг «ахборотлашган жамият» концептига доир ички-инверсив таъсири ҳамда «рақамли жамият», «электрон жамият», «ахборот хавфсизлиги»ни таъминлаш орқали рақамли ахборот шакллари ва таркибини талқин қилишнинг праксеологик жиҳатдан роли очиб берилган;

ахборот-коммуникация технологияларини рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши натижасида аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ижтимоий зарурият сифатида технооптимизмининг кучайишини медиа маданиятнинг босма, визуал ва аудиовизуал воситаларини шакллантириш орқали бартараф этиш самарали усул эканлиги исботланган;

ахборот алмашинуви ижтимоий зарурият сифатида ёшлар ўртасида мавжуд рақамли технологиялардан фойдалана олишдаги тафовутлар ҳамда ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатишдаги илмий тафаккур услубидаги ўзгаришлар натижасида постноклассик фан билан боғлиқ технократик тафаккур шаклланишининг шахслараро мулоқотга салбий таъсири фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

ёшлар онги ва тафаккурини шакллантириш тенденциялари ворисийлик ва новаторлик таъсиридаги ижодий қобилиятга боғлиқлиги ҳамда интерфаол, танқидий таҳлил қилиш ва хавфсизлик кўникмалари каби таркибий қисмлари

таъсирида инсон билиш имкониятининг когнитив табиатида ўзгаришлар бўлиши фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш механизмлари аниқланган ҳамда ёшлар медиа маданиятини юксалиши республикамизда барқарор тинчлик, халқнинг осойишталигини таъминлаши, ахборот-коммуникация технологиялари шахс ва давлат ўртасидаги маданий мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилиши асосланган;

жамиятнинг медиатаълимга бўлган эҳтиёжи глобаллашув шароитида ёш авлоднинг маънавий эҳтиёжи, дунёқараши билан боғлиқ ҳодиса эканлиги, медиа матнларни саралаш, шарҳлаш, танқидий баҳолашнинг рационал усулларини такомиллаштириш асосида янги инновацион ёндашувни жорий этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот доирасида эълон қилинган Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқот хулосалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этилгани билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда ёшлар медиа маданиятини шакллантириш жараёнида хорижий тажрибанинг инновацион жиҳатларидан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар, методологик ёндашувларни такомиллаштириш, қолаверса, соҳага оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда назарий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлардан Республика олий ўқув юртларида «Фалсафа», «Ўзбекистон тарихи», «Тарбия» каби фанларни ўқитишда, Ўзбекистонда ёшлар медиа маданиятини юксалтириш жараёнидаги ижтимоий-фалсафий мазмундаги муаммоларни ҳал этиш ва жамиятда миллий ахборот хавфсизлик стратегиясини таъминлаш масалалари билан бевосита шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари, диний идоралар, илмий тадқиқот марказлари фаолиятида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот-коммуникация технологияларининг ёшлар медиа маданиятига таъсирини илмий ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ҳамда тадқиқот натижалари асосида:

ахборот-коммуникация технологияларининг «ахборотлашган жамият» концептига доир ички-инвертив таъсири ҳамда «рақамли жамият», «электрон жамият», «ахборот хавфсизлиги»ни таъминлаш орқали рақамли ахборот шакллари ва таркибини талқин қилишнинг праксеологик жиҳатдан ролига оид таклиф ва тавсиялардан «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги»нинг 2021 йилларда ўтказилган тарғибот сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 2021 йил 1 декабрдаги 47-сон маълумотномаси). Натижалар ёшлар медиа маданиятига доир ахборотларнинг замонавий мазмунда бўлишига хизмат қилган;

ахборот-коммуникация технологияларини рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши натижасида аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ижтимоий зарурият сифатида технооптимизмнинг кучайишини медиа маданиятнинг босма, визуал ва аудиовизуал воситаларини шакллантириш орқали бартараф этиш самарали усул эканлигига доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2021 йил 2-ярим йиллик учун мўлжалланган иш режасининг 31-32-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2021 йил 7 декабрдаги 04-13/1711-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари томонидан ўтказилган тарғибот тадбирларини ташкил этиш методологиясини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ахборот алмашинуви ижтимоий зарурият сифатида ёшлар ўртасида мавжуд рақамли технологиялардан фойдалана олишдаги тафовутлар ҳамда ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатишдаги илмий тафаккур услубидаги ўзгаришлар натижасида постноклассик фан билан боғлиқ технократик тафаккур шаклланишининг шахслараро мулоқотга салбий таъсирига доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари Агентлигининг 2021 йилга мўлжалланган туркум тадбирлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари Агентлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 2-13-23-3114-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларда кучли фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар тарбиясига ахборот таъсири, шу билан бирга ёшларнинг илмий ва инновацион салоҳиятини юксалтириш каби вазифаларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилган;

ёшлар онги ва тафаккурини шакллантириш тенденциялари ворисийлик ва новаторлик таъсиридаги ижодий қобилиятга боғлиқлиги ҳамда интерфаол, танқидий таҳлил қилиш ва хавфсизлик кўникмалари каби таркибий қисмлари таъсирида инсон билиш имкониятининг когнитив табиатида ўзгаришлар бўлиши фалсафий жиҳатида оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг VI йўналишига оид «Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш»га қаратилган бир қатор бандлари доирасида ўтказилган тарғибот тадбирларида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 11 февралдаги 02/11/196-сон маълумотномаси). Натижалар ёшларнинг медиамаданиятини юксалтириш борасидаги тарғибот ишларини самарали олиб боришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари бўйича мақолалар чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (7 таси республика, 2 таси хорижий журналда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, учта боб, Хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 166 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади, вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Ахборот-коммуникация технологияларининг ёшлар медиа маданиятига таъсирини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асослари**», деб номланган биринчи бобида ахборот-коммуникация технологияларининг беқиёс тараққиёти туфайли ахборотлашган жамият, унда ёшларнинг медиа маданиятига бўлган эҳтиёжни ортиб боришининг тизимли ва функционал таҳлили ҳамда ёшлар медиа маданиятини юксалтириш муаммолари ёшларга оид давлат сиёсати нуқтаи назаридан тадқиқ этилган¹.

Ўзбекистон амалиёти ва хорижий тажриба илмий қиёсий нуқтаи-назардан ўрганилиб, жаҳон молия тизими, таълимнинг онлайн сервис шакллари Манчестр, Флорида, Лондон, Цинхуа университетлари ахборот соҳаси бўйича етакчи олий таълим муассасаларидан ҳисобланади². Шу маънода ер юзи аҳолисининг 5 млрд.дан ортиқ қисми интернет тизимига уланиши ёшларнинг медиа маданиятини талаб этади.

Медиа маданият – оммавий коммуникация воситаларидан оқилона фойдаланиш, хабар, маълумотларни саралаш, қайта ишлаш, узатишда шахсий ва миллий манфаатлар уйғунлигини назарда тутати. Замонавий ёшларнинг интернетдан маълумот олишларида ахборотнинг ҳаққонийлигини, хабарни ростлигини аниқлаш имкони жиддий чекланганлиги, ахборот «қопқонлари»нинг хавфи мавжуд. Айти вақтда онлайн алоқа хат, телефон, телеграф, интернет шаклларида ривожланиш тенденциялари олимлар томонидан тадқиқ этилган³. Медиа саводхонликка эга бўлган ёшлар турли

¹ Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашри. – Тошкент: O'zbekiston, 2022. -Б. 196.

² Бодрийяр Ж. Симулякры и симуляция / пер. с фр. О. А. Печенкина. – Тула, 2013. – С. 204; 10 лучших вузов дистанционного образование // <https://worldscholarshub.com/ru/universities-with-distance-learning-in-the-world/>.

³ Муминов А. Г. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. Монография. –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2013. -164 б.

ахборот манбалари ва интернет тармоқларидан безарар фойдалана олиши мумкин. Қандай ахборот маълумот кераклигини, ахборотни қаердан ва қандай қилиб олиш мумкинлигини билади.

Замонавий ахборот маконида ёшлар орасида «Мен ва виртуал дунё» шаклидаги қарашлар шаклланмоқда. Жамиятимизда ёш авлод оммавий коммуникация воситаларидан катталарга қараганда яхшироқ ва фаолроқ фойдаланиши, бу борада уларга тўлиқ эркинлик берилиши керак, деган тушунча қабул қилинган. Оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланишга тўлиқ эркинлик берилиши ўспирин ёшларнинг интернетдан бемақсад, кўр-кўрона фойдаланиши, виртуал мулоқотга муккасидан кетиши, айниқса онлайн ўйинларга берилиш ҳолатига олиб келиши мумкин. Республика олий таълим муассасалари (ТАТУ, ЎзМУ, ТошВЧПУ, ФарДУ, СамДУ) ёшлари орасида ўтказилган тадқиқотларда ёшлар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатиш, уларни ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишига сабаб бўлиши, унинг олдини олиш учун ёшларнинг медиа маданияти кўникмаларини тизимли равишда сингдириб бориш зарурати таъкидланган.

Медиа саводхонлик – ахборот маконида матнларни талқин-тахлил қилиш, саралаш ва ижтимоий фойдали қисмини ўзлаштириш шароитида медиаэстетик туйғуларни назарда тутати. Чунки, медиа саводхонликка ёлғон ва ишончсиз маълумотларни «жозибали» тарқатилиши туфайли ёшларнинг эстетик виртуалликка тортилиши энг долзарб муаммолардан биридир. Замонавий ахборот оқимининг беқиёс юксак даражаси нафақат ёшлар, балки тажрибали одамларнинг ҳам ахборот маҳсулотларининг ишончсиз ва уйдирма қисмини аниқлашга имкон бермайди. Натижада, аксарият одамларда медиа саводхонлик етишмаслигидан турли диний-сиёсий, экстремистик ижтимоий тармоқларнинг домига илиниш ҳолатлари кузатилмоқда.

Рақамлаштириш жараёнида мавжуд муаммоларни тушуниш ва англай билишнинг мураккаблиги туфайли шахс, давлат ва жамият муносабатлари рақамли жамиятда таълим-тарбия тизимида қўшимча «ахборот маърифати» омилига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Чунки, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг янги авлоди, аҳоли, айниқса ёшларнинг «интернет-коммуникация»га тортилиши, уларнинг ўқув-услугий манбалар билан маънавий-ахлоқий тубанликка бошловчи ижтимоий тармоқларга тортилиши хавф-хатари муносабати билан ҳам медиа саводхонликка заруриятни умумийлигини тасдиқлади. Бу, ўз навбатида, таълим тизимининг барча кесими, маҳаллий давлат бошқарув органлари ҳамкорлигида ёшларни «виртуал дунё»дан «реал дунёга» жалб этишда маънавият ва маърифат дастурларини амалий талқинини, болалар билан самимий мулоқот мажбуриятини юклайди¹.

Ижтимоий фанларда ижтимоий ва психологик контекстида «медиа компетенция» ибораси «амалий билим», яъни ОАВига шахснинг муносабати, ахборий товарларнинг истеъмолчиси сифатида ахборот диди ва баҳолаш қобилияти тушунилади. Чунки, билим, қобилият, кўникма, вазифани ижро этиш

¹ Кириллова Н. Б. От медиаобразования - к медиакультуре // Медиаобразование. – 2005. – № 5. – С. 52 – 56.

рағбати, шунингдек, вазифа ва мақсадларни бажариш учун масъулият ҳисси англашилиши тўғрисида муаммоларни ҳал қилишнинг муваффақияти билан боғлиқ. Зеро, ёшларнинг рақамли компетенция даражаси ҳаётий фаолиятда АКТдан самарали фойдаланишнинг ўзига хос ўлчови бўлиши мумкин. Рақамли компетенция – нафақат АКТ ва ахборот соҳасидаги билимлар мажмуаси, балки, ахборотнинг турли моделларида тақдим этиладиган малакали билим ва кўникмалар йиғиндиси, самарали фаолият ва масъулият туйғусига асосланган муносабат демакдир.

Рақамли компетенцияни ахборотлашган жамиятда ёшларнинг ҳаётини белгиловчи мураккаб ҳодиса сифатида қуйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ:

1) ахборот ва медиа компетенция – рақамли ахборотни қидириш, тушуниш, уларни тартибга солиш, архивлаш ва танқидий баҳолаш, шунингдек, рақамли манбалар (матнли, тасвирий, аудио-визуал) ёрдамида ахборот объектларини яратиш билан боғлиқ билим, кўникма, рағбат ва масъулият;

2) коммуникатив компетенция – ҳар хил коммуникация турлари (электрон почта, чатлар, блоглар, форумлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқалар) ва турли мақсадлар учун зарур бўлган билим, кўникма, рағбат ва масъулият;

3) техник компетенция – турли муаммоларни, шу жумладан, компьютер тармоқлари, булутли хизматлардан фойдаланиш ва турли масалаларни ҳал қилиш учун аппарат ва дастурий таъминотдан самарали ва хавфсиз фойдаланиш имконини берувчи билим, кўникма, рағбат ва масъулият;

4) истеъмолчи билимдонлиги – рақамли қурилмалар ва интернет ёрдамида ҳар хил эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ ҳар хил кундалиқ маиший вазифаларни ҳал қилишга имкон берадиган билим, кўникма, рағбат ва масъулият.

Рақамли компетенция феномени сингари, унга кирган ҳар бир компетенция рағбат ва масъулият билан боғлиқ таркибларга эга. Рағбатлантирувчи таркиб замонавий даврда инсон ҳаётини тўлдирувчи рақамли фаолликнинг асоси сифатида рақамли компетенцияга жиддий эҳтиёжни шакллантиришни назарда тутди. Масъулият эса, юқорида айтиб ўтилганларга қўшимча равишда, ўз ичига онлайн хавфсизликка оид малакаларни олади. Бунга интернетда ахборот билан ишлашда, онлайн мулоқот жараёнида, интернет орқали истеъмол эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ турли муаммоларни ҳал қилишда хавфсизликни таъминлаш кўникмалари ва билимларга эга бўлиш, техник хавфсизлигини таъминлаш қобилияти киради.

Ўзбекистонда замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни ўзлаштираётган, ахборот ресурслари ва замонавий рақамли технологияларидан самарали фойдаланиш маданиятини шакллантираётган туриб, бирор-бир жиддий иқтисодий, ижтимоий, техник масалани ҳал этиб бўлмастлигини таъкидлаш зарур. Зеро, ҳатто бир неча йил аввалги билимлар иқтисодиётнинг айрим тармоқларида эскириб, уларнинг ўрнини янада илғор бизнес моделлари эгалламоқда. Ахборот жамияти инсонга маълумот ва билимга эга бўлиш учун мисли қўрилмаган имкониятларни очиб берган бўлса-да, у қўплаб хавф ва хатарлардан холи эмас. Интернет каналлари орқали

тарқатилаётган ахборот ва билимлар шу қадар кўп ва мазмунан ранг-баранг-ки, ёшлар улардан ўзи учун фойдали ва тўғри фойдаланишга етарли даражада қодир эмаслиги олимлар томонидан эътироф этилган¹. Демак, медиа маданият рақамли маконда тарқатилаётган зарарли ахборот хавфларини минималлаштириш ва ёшларнинг ижтимоийлашувига қаратилиши керак. Шу боисдан ҳам медиасаводхонликнинг ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали тегишли тавсиялар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ишда илмий-назарий таҳлилларга таяниб, рақамли жамиятда медиа саводхонликнинг ёшлар онг ва тафаккурини шакллантиришдаги уч устувор йўналишлари ажратиб кўрсатилган:

ижодий қобилият – медиа маҳсулотни кўриш, эшитиш, яратиш ва талқин қилишга ижодий ва малакали ёндашиш қобилияти. Ёшлар мустақил равишда глобал тармоқда ўз сайтлари, блоглар, микроблоглар, фото, аудио ва видео материалларни яратиши ва жойлаштириши, интернет ҳамжамиятларини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришлари мумкин.

Интерфаол кўникмалар – оммавий коммуникация воситалари орқали мулоқот қилиш ва медиа ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва медиа маданият тамойилларига асосланган ҳолда янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришдир. Интерфаол кўникмалар медиа маконда фикр ва муносабат билдиришга тайёрлик даражасини кўрсатади.

Медиа маҳсулотни танқидий таҳлил қилиш кўникмалари – бу турли хил медиа контентларининг маъносини талқин қилиш ва тушуниш қобилиятидир. Ёшлар турли хил таҳлилий воситалар ёрдамида рақамли ахборот шакллари ва таркибини талқин қилишлари ҳамда баҳолашлари мумкин. Бу кўникмалар турли хил медиа контент ва жанрларни ўрганиш орқали яхши ривожланади.

Хавфсизлик кўникмалари – бу ахборотни таҳлил қила олиш, зарарли ахборотдан ҳимояланиш кўникмаларига эга бўлиш, виртуал маконда хавфсиз ҳаракат қилиш ҳамда шахсий ҳаётга таҳдид солувчи мулоқотларни четлаб ўтиш қобилиятига оид билимларга эга бўлиш демакдир.

Ёшларнинг интернетдан бемақсад ва билиб-билмай фойдаланиши, тинмай виртуал мулоқот, онлайн ўйинлар билан банд бўлиши – улар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатишига, уларни ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишига сабаб бўлмоқда. Бу иллатнинг олдини олиш учун ёшларни мақсадли ўқитиш ва уларга медиа маданият кўникмаларини тизимли равишда сингдириб бориш тақозо этилади. Медиасаводхонлик ахборот матнларни зарарсиз ўзлаштириш, талқин қилиш ва яратиш қобилиятини шакллантиради.

Диссертациянинг «**Рақамли технологиялар трансформацияси ва унинг ёшлар медиа маданиятига таъсири**» деб номланган иккинчи бобида интернет маконида шахс идентификацияси қиёсий ўрганилиб, рақамли нотенгликни келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари ҳамда рақамлаштириш

¹ Сокиев Х. Ахборотлашган жамиятда медиа идентиклик // Фалсафа ва ҳуқуқ. -Тошкент, 2020. -№ 3. –С. 22-28.

жараёнида Ўзбекистонда ижтимоий радикаллашувни бартараф этишнинг ижтимоий-маданий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Рақамли дунёда кечаётган фундаментал ўзгаришлар барча мамлакатларни, жумладан, Ўзбекистонни ҳам қамраб олмоқда. Хусусан, умумсайёравий тараққиёт тенденциялари таъсирида жаҳон ҳамжамиятига шиддат билан қўшилиб бораётган Ўзбекистон жамиятининг барча соҳалари янгича характер касб этмоқда. Айни пайтда миллат вакилларининг тафаккур тарзи, кадриятлар тизими онг ва фаолият нормаларига таъсири олимлар томонидан эътироф этилган¹. Асрлар давомида шаклланган миллий идентиклик, яъни ўзини англаш тушунчаси ҳозирда янги омил ва хусусиятлар билан бойимоқда.

Ахборот оқимининг ўта жадаллашуви, унинг хилма-хиллиги шароитида ижтимоий технологияларнинг одамларни идентификация қилиш шакл ва усуллари ўзгариб бормоқда. Идентификаторларни яратиш, ўзгартириш ва қайта тиклаш жараёнлари фаоллашмоқда. Идентификациялашнинг аввалги ижтимоий механизмлари ҳозирги ижтимоий эҳтиёжларга мос келмайди, янги механизмлар эса, шаклланиш жараёнидадир. Ўз-ўзини англаш ва ижтимоийлашув жараёни, айниқса, ёш, эндигина шаклланиб келаётган шахс учун осон кечмайди². Ижтимоий идентификациялаш жараёнида, интернет маконида инсон ўз хатти-ҳаракатларини беихтиёр ва онгли равишда ифодалайди, бу эса атрофдагиларда муайян таассурот қолдиради.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши «рақамли авлод» вакилларининг фуқаролик идентиклигини шакллантириш жараёнларида ўзига хос мураккаблик ва зиддиятлар пайдо қилади. Ахборот-коммуникация технологияларининг барча соҳаларга фаол кириб бориши туфайли ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида «идентлилиқ» муҳим категория сифатида ўз ичига бошқа хусусият ва жиҳатларни олиб, ижтимоийлашувнинг янги турлари шаклланиши хусусидаги фикрлар билан иш далилланган³. Тармоқ жамияти – бу ахборот экотизимининг ривожланиш векторига айланиб, билим ва ахборот оқимида кадриятлашув жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ҳозирги даврда жамиятдаги рақамли узилиш деганда нафақат рақамли муҳитга кириш имконига эга бўлганлар ва эга бўлмаганлар, балки амалиётчилар ўртасидаги фарқ тушунилади. Рақамли тенгсизлик ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланадиган, янги билим, кўникмаларни ўзлаштирган ва рақамли ресурслар имкониятларидан фойдаланган шахсларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга ёрдам беради. Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини рақамлаштириш давлат ҳокимияти институти сифатида давлат учун жиддий муаммога айланмоқда. Бу эса, ҳар хил ижтимоий тенгсизлик турларининг тўпланиши ва янгиларининг пайдо бўлиши имкониятини яратади; рақамли саводхонликни узлуксиз ўрганишга ҳисса қўшадиган ва ИТ-технологияларининг доимий

¹ Бурлака С.Н. Трансформация развития цифрового исполнительного производства // – Саратов: Саратовский источник, 2021. – С. 123.

² Muminov, A., Muminov, O., & Norov, S. (2020). Social partnership in uzbekistan: Status and prospects. International Journal of Scientific and Technology Research, 9(2), 5876-5878.

³ Рақамли иқтисодиёт нега кепак? // <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyotigarovidir>.

ривожланишига мос бўлган таълим инфратузилмаси трансформациялашуви зарурлигини белгилайди. Шу боис, Digital Economy рақамли коммуникациялар, IT ёрдамидаги иқтисодиёт эканлиги, Blockchain ёндашувлари билан дискуссияга киришган. Рақамли тенгсизлик даражаси давлатнинг обрўсига таъсир кўрсатади. Етакчиликка даъвогар бўлган давлатлар бошқалардан устунлигини, биринчи навбатда, иқтисодиёт, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларга жорий этилаётган юқори рақамли технологиялар соҳасида намоиш этмоқда. Аммо, агар рақамлаштириш жараёнларида моддий ва маънавий неъмат ишлаб чиқарувчилар ҳам ва уларни истеъмол қилувчилар ҳам рақамли билим ва кўникмаларга бирдек эга бўлмаса, барча кенг кўламли дастурлар ва лойиҳалар самара бермайди.

Жамиятни рақамлаштириш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар интернетда назорат воситаларини ишлаб чиққандан кўра тезроқ содир бўлмоқда. Бутун жаҳон интернет тармоғидаги махфийлик радикал, террористик ва экстремистик форум хабарларини ёзиш ва жиноий жавобгарликдан кўркмасдан тарғибот веб-сайтларини яратиш имконини беради. Радикаллаштирув манбалари узоқда, бошқа мамлакатда жойлашган бўлиши мумкин ва манфаатдор шахслар бевосита учрашиши шарт эмас. VPN (ингл. Virtual Private Network – Хусусий Виртуал Тармоқ) технологиясидан фойдаланиш радикал контент яратувчилари ва истеъмолчиларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яширинишга ёрдам беради. Бундан ташқари, қоронғи тармоқ (ингл. DarkNet) каби аноним тармоқ фақат ишончли «дўстлар»ни боғлайдиган ва маълумотларни шифрланган шаклда узатувчи воситалар радикализмга учраган ёшларни «кутқаришга келади». Ёшлар янгиликларни интернет орқали тобора кўпроқ қабул қилмоқдалар, негаки, ундан маълумот топиш осон, жараён бошқа ахборот манбалари (газета, телевидение)га қараганда тезроқ. Шу билан бирга, ёшларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга, жамоавий идентификацияга бўлган интилиши, техникага қизиқиши уларнинг интернетда радикаллашувини осонлаштиради.

Диссертациянинг «**Ёшларда медиа маданиятни шакллантиришнинг устувор йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнлари натижасида юзага келадиган таҳдидлар ва рақамлаштириш шароитида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари ҳамда ёшларда медиа маданиятни шакллантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий механизмлари таҳлил этилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда ахборот-коммуникация технологияларидан, ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишда аҳоли, аввало, ёшларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бирига айланиши, ёшлар «...замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифа...» эканлиги, медиани ўрганиш, медиа маданиятни юксалтириш таълимнинг устувор мақсади этиб белгиланган¹. Бу ҳол медиа таълим ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. – 16 б.

тарбияни хорижий ва миллий технологиялари асосида ривожлантиришни талаб этади¹.

Тадқиқотда Ўзбекистонда ҳам рақамли бўшлиқларни бартараф этиш, барча тармоқ ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалиёти ўрганилган. Жумладан, 2020 йилнинг октябрида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси қабул қилиниб, унда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, жумладан, электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш назарда тутилган. Мазкур стратегияда Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор мақсадлари, йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифалари белгиланган, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингда қўйилган устувор талаблар рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида:

1. Рақамли инфратузилмани ривожлантириш.
2. Электрон ҳукуматни ривожлантириш.
3. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш.
4. Рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантириш каби йўналишлар белгиланган.

